

**OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI**

Amaliy ish

Mavzu:

**“Клонлаштириш жамият
таназзулими ёки ...”**

Tayyorladi: 4-kurs talabasi

To'laganova Tojihat

Toshkent-2011

Фалсафа 4-курс турк-инглиз
гурухи Тўлаганова Тожихоннинг

Фалсафа ва фан методологияси
фанидан мустақил иши


Клонлаштириш жамият
таназзулими ёки...

Режа:

1. Фалсафа ва биологияда ҳаётнинг келиб чиқиши ва моҳияти муаммолари.
2. Ген ва генетик ахборот тушунчаси, уларнинг фалсафий аҳамияти.
3. Клонлаштириш ва унинг фалсафий масалалари.

Таянч тушунчалар:

Биосфера, неосфера, ҳаётнинг моҳияти, ген, генетик ахборот, евгенико, сунъий ва табиий таналш, инсоннинг биологик ва социал жиҳатлари, клонлаштириш.



Космик жисм бўлган Ер тахминан бундан 6-6,5 млрд. йил мукаддам ўз –ўзидан вужудга келган, 3,8 млрд йил мукаддам Ерда ҳаёт аломатлари пайдо бўлган. Ер бизга маълум бўлган самовий жисмлардан шуниси билан фарқ қиладики, унда тирик табиат, яъни ҳаёт мавжуддир.

Шу ўринда ҳаётнинг ўзи нима? деган савол туғилади. “Биосфера” нима?, биосферадаги ҳаётчи?, деган саволлар ҳам кўндаланг бўлади.

“Ҳаёт, - деган эди **В.И. Вернадский**, - сайёрамиз сиртидаги химиявий турғунликнинг доимо ва узлуксиз равишда бузилиб туришининг буюк сабабчисидир. У Ер қобиғининг тузилиши билан чамбарчас боғлиқ, у сиз Ер қобиғининг ўзи ҳам пайдо бўлмаган бўлур эди”. Демак, ҳаёт, Ер аввало, Ер қобиғининг фаолияти билан боғлиқ экан. Ер қобиғи эса унинг қарида кечаётган физик – химиявий жараёнларнинг маҳсулидир. Бундан чиқадиган маъно шуки, ҳаёт Ер фарзанди экан.

Аммо бу масаланинг бир томони. Ҳаёт пайдо бўлмоғи учун Қуёш нури ҳам зарур эди.


Бу нур туфайли жонли мавжудод ўзига зарур бўлган энергия билан таъминланади. Мазкур энергияни ўсимликлар фотосинтез жараёнида ўзига ғамлаб олади, ҳайвонот дунёси эса ана шу тайёр энергиядан фойдаланади.

Тирик табиат Ерда кенг тарқалган элементлардан, жумладан, водород, кислород, углерод, азот, темир ва бошқалардан таркиб топган. Бу элементлар Қуёш системасидаги бошқа сайёрларда ҳам мавжуд. Демак, гап ҳаётнинг таркибий қисмида эмас, балки унинг жонсиз табиатдан сифат жиҳатдан фарқ қилишидадир. Ҳаётга тан бу хусусият – туғилиш, авлод қолдириш ва ўлишдир. Аммо ҳаёт моҳияти фақат шулардангина иборат эмас, чунки у тақдирда тирикчилик такрорий оддий бир ходисалар мажмуасидан иборат бўлиб қоларди.



Ҳаётнинг вужудга келиши ва моҳияти ҳақида ҳанузгача олимлар бир нуқтаи назарга келишмаган. Фридрих Ницше томонидан асос солинган, кейинчалик Коагесс ва Т. Лессинг томонидан ривожлантирилган табиий – биологик талкинда ҳаёт табиийлик билан қиёсланади ва ҳар қандай сунъийликка қарши қўйилади. Ушбу йўналиш тарафдорлари куч қудратни улуғлайдилар, ҳар қандай ғоянинг рўёбга чиқишини кишилар ёки ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари билан боғлайдилар. Дильте, Шпенглер, Зиммель ҳаётнинг моҳиятини ички руҳий кечинмалардан излайдилар. Бергсон фикрига кўра, ҳаётнинг моҳияти ўз – ўзини қайта ишлаб чиқариш ва янги шаклларни яратишдан иборат.

Баъзи палеонтолог олимлар ҳаётнинг тараққиётини ўтмиш – геологик босқичлар билан яъни палеонтолог метод билан изоҳлайдилар. Бу билан ҳозирги давр жараёнидан узоқлашадилар. Чиндан ҳам ҳаётда юксак ўзгаришлар – мегэволюция даври ўн минглаб йилларни қамраб олади. Тан олиш керак, бутун катта таксонлар геологик ўтмишда пайдо бўлди. Бороқ, ҳозирги замонга яқинлашган сари биологик янги ташкил топиш доираси камайиб бормоқда. Шундан хулоса чиқариб, баъзи тадқиқотчилар эволюцияни ниҳоясига етиш концепциясини қўлламоқдалар. Бутун тарихий тараққиёт давомида инсон билан табиат ўртасидаги муносабат такомиллашиб борган. Инсон табиий муҳитсиз, сув, ҳаво, қуёш ва тупроқсиз яшай олмайди. Бу унсурлар унинг тирикчилигини таъминлайди. Бундай қулай шароит инсон учун фақат Ер шарида мавжуддир.



Маълумки, клонлаштириш бугунги тараққий этган даврнинг долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда. Долзарб муаммоларга айланибгина қолмай қаттиқ таъқибга ҳам олинмоқда. Бу бежиз эмас албатта.

«Клонлаш» атамасининг луғавий маъносига эътибор берсак, у қадимги юнончадан олинган бўлиб, klon–куртак, қаламча маъноларини англатади. Ирсий жиҳатдан ота-онасига ўхшаш жонзотни яратишни назарда тутувчи жараёни клонлаштириш дейилади.

Инсоннинг ҳаёти ва фаолияти соҳалари – балиқчилик, қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликни таъминлаш учун клонлашнинг самарадорлиги тўғрисида сўз юритилганида муаммо бундай кескин тус олмаган эди. Гап инсонни клонлаш ҳақида борганда, бунинг оқибатларини тушуниб етиш учун кўп назариячилар бош қотиришига тўғри келди. Америкалик таниқли олим П. Диксоннинг фикрига кўра, сут эмизувчиларда синаб кўрилган ҳар қандай усулни инсонга қўллаш мумкин. Бу ҳолда вояга етган одамларнинг, қариндош ва ошна-оғайнилариимизнинг нусхалари пайдо бўлади, умуман, шундай вазият юзага келадики, ким ирсий жиҳатдан ҳақиқий одам, ким сунъий тарзда яратилган жонзот эканлигини фарқлаб бўлмай қолади.

Клонлаш, жуда мураккаб экспериментал технология сифатида, нафақат эталонларнинг, балки майиб-мажруҳларнинг яратилишига ҳам олиб келиши мумкин. Методологик нуқтаи назардан, бу ерда қўйилган мақсадларнинг олинган натижаларга мос келмаслиги тўғрисида сўз юритилмоқда. Инсонни клонлаш шароитида бу ахлоққа зид ва жиноийдир. Барча диний институтлар инсоннинг туғилиши табиий тарзда кечиши лозимлигини, акс ҳолда туғилган одамнинг қалби бўлмаслигини уқтирмоқдалар. Инсонни шакллантиришда ҳамиша унинг Худога ўхшаш жиҳатларини очишга ҳаракат қилиш керак. Уларнинг назарида, клонлаш диний ахлоққа ва қонун-қоидаларга зид.

Шу нарса диққатга сазоворки, мазкур муаммони муҳокама қилиш излари қадимги тафаккур ёдгорликларида ҳам кўзга ташланади. Масалан, каббала матнлари сунъий одам яратишни тақиқлайди, чунки сунъий одам маънавий жиҳатдан баркамол бўлмайди. Бундай ўта қудратли одам Худо ғоясига зиддир. Гётенинг Фаусти сунъий одам–гомункулусни яратишга ҳаракат қилади ва бунда ёвуз куч–Мефистофель иштирок этади. Ницше илгари сурган ўта қудратли одам муаммоси «Худо ўлди!» деган хулоса билан бевосита боғлиқ.

Хаксли ўзининг «О, бу ғаройиб дунё» романида эмбрионлар билан ўтказилган ирсий тажрибаларни тавсифлайди. Ниҳоят, шўролар енгеникасининг инсон табиатида аралашлини назарда тутувчи мафкуравий буюртмаси, унинг ютуқларидан давлат сиёсати мақсадларида фойдаланиш, табиий танланиш заифлашган шароитларда сунъий танланиш ғоясини таърифлаш сохта фаннинг мунофиқлигидан далолат беради. Евгеник эксперимент психологик тестлаш, давомат тўғрисида маълумот тўплаш ва шу қабиларни, шунингдек олинган сперма асосида сунъий уруғлантиришни ўз ичига олади. Бундай тадбирларнинг мақсади – «аҳолининг ақлий қобилияти»ни оширишдан иборат.

Клонлашнинг тиббий жиҳати–жарроҳлик ҳамда
травмотологияда ўта зарур бўлган аъзолар ва
тўқималарни яратиш мазкур жараёни ташкил
этиш муаммосини келтириб чиқаради, чунки бу
ҳолда ҳам тирик одамлар донорлик қилиши талаб
этилади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий салбий
оқибатларга олиб келиши ва жиноий тижоратнинг
ривожланишига кўмаклашиши мумкин.




Генетика тирик организмга хос хусусиятларни, яъни ирсият ва ўзгарувчанликни ўрганади. Ирсият қонунларини ўрганиш биология фанининг энг мураккаб, шу билан бирга асосий масалаларидан биридир. Ирсият фақат тирик организмларга хос хусусиятдир. Шунинг учун ушбу масала фақат тиббиёт фанлари нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлмай, балки фалсафа учун ҳам аҳамиятлидир. Аёнки, ирсият дейилганда ота – она организмга хос белги хусусиятларнинг келгуси авлодларга (наслига) берилиши тушунилади. Организмларнинг ўзгариши авлодлар ўртасидаги моддий ва функционал боғлиқлик асосида содир бўлади. Шу сабабли бир авлод иккинчи авлод билан алмашинганда жонли материя ривожини узлуксиз давом эттаверади.

Генетика фанидаги кўпгина тадқиқотлар барча ҳайвон ва ўсимлик организмларида, улар эволюцион тараққиётининг қайси босқичида туришларидан қатъи назар, ирсият бирликлари мавжудлигини кўрсатди. Ота – она белгиларининг наслга берилиши (ўтиши) қонунлари ҳамма тирик мавжудотларда умумий эканлиги маълум бўлди.


Ушбу фикрларнинг тасдиқланишида ирсиятнинг хромосома назарияси ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Маълумки, хромосома оқсил ва нуклеин кислотадан ташкил топган бўлиб, у организмнинг генетик – дастури вазифасини бажаради, насл жинсининг қандай бўлиши хромосомага боғлиқ. Хромосома, ўз навбатида нуклеопротеидларга бўлинади.

Хромосома таркибига ҳаётнинг субстрати ҳисобланган ген ҳам киради. Генларнинг хромосомада жойлашиши маржонни эслатади. Олимларнинг аниқлашича, ген инсоннинг кўпгина хусусиятлари: қон группаси, кўриш қобилияти, кўз қорачигининг рангини, хотира ва шунга ўхшашларни белгилайди. Демак, хромосомада организмнинг ирсий белгилари жойлашган бўлади.



Ген ирсиятнинг элементар бирлиги, ҳаёт субстрати сифатида ДНК молекуласининг таркибига киради, организмларнинг шаклланиши ва айрим белгиларининг вужудга келишида иштирок этади, юксак ривожланган организмларда эса ирсийликнинг хоссалари таркибига киради. Геннинг организмдаги асосий функцияси энг аввало, фермент ва оксиллар синтезида актив иштирок этишидир. Ген ўзгарганда хужайралардаги муайян биокимёвий жараёнлар рўй беришида бузилиши бўлиб, бунинг натижасида организмларда янги белгилар ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, инсон кўзининг қора ёки кўклиги, ҳайвон ва ўсимлик маҳсулдорлигининг ўзгариши тегишли генларнинг таъсирига боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, хромосома нуклепротеидлар системаси бўлиб, оксиллар ва нуклеин кислоталаридан тузилган ва ўз имкониятлари ҳамда ўз роли жиҳатидан ноёб бўлган генетик функциялар ташувчилари сифатида намоён бўлади.

Одамзот индивидуал феъл – атворида генетик дастурнинг роли бор, албатта. Ундан ташқари фанга социал генларнинг ҳам ҳатти –ҳаракат белгилашига муайян таъсири борлиги аён бўлмоқда. Масалан, аجدодларида ўғри, муттаҳам, лўттибоз бўлмаган авлодда бундай қусурлар ё мутлоқо учрамайди, ёки кам учрайди. Зеро, одам биологик тур бўлиш билан бир вақтнинг ўзида муайян тарихий давр ва маълум мамлакатдаги ижтимоий муҳитнинг ҳам фарзандидир. Бинобарин, одамнинг қайси тарихий даврда, қайси ижтимоий муҳитда яшашига қараб феъл – атворида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. одамнинг феъл – атвори, хатти – ҳаракатида туғма (ирсий) хусусиятлар бўлишига қарамай, умуман олганда, булар асосан муайян ижтимоий муҳитда ҳамда меҳнат, тил, нутқ, тарбия, тажриба орқали ўзига хос равишда намоён бўлади.





Кейинги йилларда генлар инженерияси (биотехнология) деб ном олган тадқиқотлар жараёнида принципиал масалалар майдонга ташланди. Мутахассисларнинг эътирофи эътиборига, бу тадқиқотлар ирсият ҳодисаларини ўрганишда мутлақо янги имкониятлар очиб беради ва айтиш вақтида, илмий тадқиқотлар йўналишига ва уларни тартибга солиб туришга доир ҳаёт маъсулиятли масалалар қўяди. Фаннинг бу соҳасидаги масалаларнинг актуаллиги кўпчилик томонидан эътироф этилган, чунки, агросаноат комплексида муҳим вазифаларни кўп жиҳатдан ана шу ишларга асосланиб амалга оширишга тўғри келади, улар ҳозирги замон медицинасига ҳам мустаҳкам пойдевор қўяди.

Биринчи навбатда гап генетик ва хужайра инженерияси, иммунология, микробиологик синтез ҳақида, асаб системаси ва мияни ўрганиш, муҳим биорегуляторлар олиш ва у кабилар тўғрисида бормоқда.

Инсон энг аввало ижтимоий мавжуддир. Биринчидан, у ишлаб чиқариш қуроллари ёрдамида меҳнат қилади, моддий ва маънавий бойликлар яратади, иккинчидан, мавҳум фикрлайди, учинчидан, ўз фикр туйғуларини тил воситаси билан ифодалайди.

Хайвон биологик организм бўлиб, унинг барча феъл – атери ДНК молекуларида, генетик дастурида белгиланган ва ирсият туфайли улар авлоддан –авлодга ўтиб боради. Шунинг учун ҳам хайвоннинг хатти – ҳаракати, яшаш учун кураш шакли сайёрамизнинг ҳамма жойида бир хилдир. Ҳар қандай хайвон жуда бой бўлган тайёр инстинклар билан ёруғ дунёга келади. Айтиш чоғида ҳаёт тажрибалари ҳам маълум даражада улар феъл –атворида аниқ вазиятга қараб ўзгариш қилишга ёрдамлашади.



Ҳар қандай инсон ўзига хос биологик хусусиятларга эга бўлган. Чунончи, асаб ва ҳазм қилиш тизимида, очлик ва тўқликка бўлган чидамида, иш қобилиятида, хиссиётида, жисмонан улғайишида биологик хусусиятлар ўз таъсирини ўтказди.

Шунингдек, инсон табиатига унинг психогенетик хусусиятлари, хусусан характери, мулоҳазаси, қузатувлари, майллари, қобилиятларининг ҳам таъсири бўлади. Ушбу хусусиятлар инсон ҳатти – ҳаракати, ҳуқ- атворини белгилашда ўз таъсирини ўтказди.

Ижтимоий муносабатлар ҳам инсонга таъсир кўрсатади. Бу таъсир, биринчидан, жамиятда мавжуд бўлган социал институтлар ва ташкилотлар амалга оширган тарбиявий – мафкуравий ишларнинг самарадорлиги билан алоқадор, иккинчидан, одамларни ўша тарбиявий – мафкуравий тадбирларни қўллаб – қувватлаш малакалари, ўша маданий – маърифий таъсирга бўлган эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлади.

Инсон ўзи мансуб бўлган социал гуруҳ ёки социал ташкилотлар, институтлар ўрнатган тартиб интизомга, қоидаларга амал қилиш малакаларини ўзида мужассамлаштиради, яъни жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий нормалар ва қоидалар индивид ҳуқ- атворига, ҳатти –ҳаракатига мустаҳкам ўрнашиб олади. Бошқача айтганда, ижтимоий муҳитнинг турли компонентлари индивид ҳуқ- атвори, ҳатти –ҳаракати билан қўшилади.

Инсон камолотида биологик ва ижтимоий омилларнинг роли ҳусусида фикр юритганда нега клонлаштириш масаласи ҳусусида турли баҳслар давом этмоқда. Клонлаштириш нима ўзи?

Клонлаштириш (клон – юнонча куртак, қаламча), яъни организмнинг соматик хужайрасидан унинг тўлиқ дубликатини етиштириш билан боғлиқ ҳолда одамнинг жисмоний табиатини ирсий инженерия усуллари ёрдамида ўзгаришига, назарий жиҳатдан бир хил генетик кодга, бир хил сифат ва мойилликларга эга бўлган одамларни яратиш имкониятини беради. XX асрнинг 70 – йилларидан бошлаб ҳам сувда, ҳам қуриқликда яшовчи ҳайвонлар клонлаштирилган, биоэтика мутахассислари тез орада инсонни клонлаштиришга киришилади, бу ҳолатга тинч қараб туриш мумкин эмас, деган фикрларини билдирганларидан ирсий инженерия билан шуғулланувчи олимлар уларни фан ютуқларидан шомашошарлик билан ҳулоса чиқаришда, ҳовлиқмаликда айбладилар. Аммо, орадан ярим аср ҳам ўтмасдан одамни клонлаштириш ғояси амалиётга тадбиқ этиш арафасига келиб қолган бугунги кунда жамият ахлоқий нуқтаи назаридан қийин аҳволга тушиб қолди.

Хўш, Ғарб ва Шарқ олимларини клонлаштириш муаммоси нима учун хавотирга солмоқда? Нега Америка жамияти клонлаштиришни тинчгина қабул этаётган бир пайтда Хитой Миллий Фанлар академияси бу йўналишларда илмий изланишлар олиб боришни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди? Клонлардан ташкил топган жамият нимаси билан табиий эволюция натижасида вужудга келган бугунги жамиятдан фарқ қилади? Уларда ҳам жисм ва руҳ бирлиги мавжуд бўладими? Клон одам ўзида менинг Ватаним – юртим, боболаримдан қолган мерос каби тушунчаларни сингдира оладими?



Рус олими П. Гуревич «Инсонни фалсафий тушуниб етиш жараёнида бошқа бир ғоя ҳам туғилади – ўзига хос жонзод сифатидаги одамни сунъий конструкция билан алмаштириб бўлмайди. Айни ҳолда тирик фикрловчи, бетақрор жонзотни эмас, балки маҳлукни яратиш мумкин», деб таъкидлайди. Клонлардан ташкил топган жамиятни вужудга келтириш мумкин. Аммо, бу жамият табиий эволюция натижасида шаклланган бугунги жамиятнинг барча хусусиятларини ўзида тўлиқ акс эттира олмайди. Кўпчилик олимларнинг таъкидлашича, клон инсонда эзгуликка нисбатан кўпроқ ёвузликка мойиллик бўлади. инсондаги табиийлик бузилади, инсоният хавф остида қолади, деб ҳисоблайди Хитой Миллий Фанлар академияси олимлари.

Ж. Доссе фикрига кўра, «Генетика соҳасидаги ҳозирги аҳвол одамларда таҳлика уйғотаётгани табиий бир ҳолдир. Одамлар кўпинча уларга қудратли ўзгартириш киритадиган олимдан қўрқишади. Ваҳоланки, улар олимдан эмас, балки ҳокимиятни эгаллаш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган ва баъзан онги мустабид мафкура билан заҳарланган шахслардан ёки шахслар гуруҳидан қўрқишлари лозим». Теологлар клонлар ҳам табиий одамлар каби руҳга эга бўлади, деб ҳисоблашади. Лекин, улар қайси динга сиғинади ёки улар динсиз бўладими, деган саволга жавоб бериша олишмайди.